

Эспо конвенцияси

Танланган тезислар тасвири





Organization for Security and
Co-operation in Europe

Ушбу ҳужжатда ифодаланган фикрлар муаллифларга тегишли ва улар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссиясининг (БМТ ЕИК) нуқтаи-назарларини акс эттириши шарт эмас. Ушбу нашрдаги материал танлов асосида ва соддалаштирилган шаклда тақдим этилган, у Конвенция, Баённома ёки бошқа ҳар қандай расмий ҳужжатнинг матнларига таъсир кўрсатмайди.

“Зой” Экологик тармоғи томонидан ЕХҲТ ва Конвенция Котибияти кўмагида тайёрланган.

Концепция: Виктор Новиков, Елена Сантер, Екатерина Молодцова, Кристиан Мелис

Иллюстратор: Руслан Валитов

Безакчи: Ярослав Тартиков



Мундарижа

Эспо БМТ ЕИК конвенцияси ва Стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги Баённома.....	5
Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АТБ) тартиби.....	6
Конвенция якуний қарор қабул қилингунича қўлланилади.....	7
Билдиришномалар мавжуд бўлмаганида.....	8
Ахборот тарқатишнинг айрим усуллари.....	9
Асосий тамойиллар.....	10
Конвенция қўлланиладиган айрим фаолият турлари.....	11
Атроф-муҳитга таъсирнинг айрим турлар... ..	14
Атроф-муҳитга таъсирни камайтириш учун муқобил ечимлар ва энг қулай чораларни кўриб чиқиш.....	15
Ҳамкорлик шакл ва форматлари.....	17
Муайян вазиятлар.....	18
Муваффақиятли ҳамкорлик мисоли.....	19
Стратегик экологик баҳолашни талаб қилувчи режалар, дастурлар ва стратегик ҳужжатлар	20
Экологик омиллар ҳисобга олинган стратегик ечимларга мисоллар.....	21
Стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) босқичлари энергетика мисолида	22
Чу (Шу) ва Талас дарёлари ҳавзаларидаги сув ресурслари бўйича ҳамкорлик: стратегик экологик мулоҳазалар	23
Олмаота шаҳри билан Иссиққўл кўли ўртасидаги туризм ва авиақатновларни ривожлантириш: стратегик экологик жиҳатлар	24
Радиоактив чиқиндилар ва ифлосланишдан тозалаш: маҳаллий Орхус марказларида қатнашиш	25
Эспо БМТ ЕИК конвенциясининг тузилиши ва ишлаши.....	26
Эспо БМТ ЕИК конвенциясининг бошқа конвенциялар билан ўзаро боғлиқлиги.....	27
Қўшимча маълумотлар ва услубий материаллар.....	29





Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) билан яқин ҳамкорликда ишловчи Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) трансчегаравий контекста атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги БМТ ЕИК конвенцияси (Эспо конвенцияси)ни амалга оширишни айниқса Марказий Осиё мамлакатлари салоҳиятини кўтаришга қаратилган қўшма тадбирлар билан қўллаб-қувватлайди.

Конвенциянинг ўттиз йиллигига тайёрланган ушбу рисолада акс эттирилган тасвирлар унинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги руҳи ва ролини ифода этади.

Эспо конвенцияси

Глобал воситага айланмоқда

Стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) тўғрисидаги баённома

Глобал восита

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

Эспо (Финляндия), 1991-й
1997-йилда кучга кирган

Киев (Украина), 2003-й
2010-йилда кучга кирган

2021-ЙИЛ МАРТДА ТОМОНЛАР Сони

45 та, жумладан ЕИ

33 та, жумладан ЕИ

Қўлланилиш доираси:

хусусий ва давлат секторидagi лойиҳа даражасида
режалаштирилатган фаолиятлар

давлат сиёсати, режалари, дастурлари
ва қонунларига нисбатан

мамлакатдан ташқарида атроф-муҳитга сезиларли зарар етказиш
эҳтимоли бўлганида


атроф-муҳит, жумладан саломатлик учун сезиларли оқибатлар эҳтимоли бўлганида;
ривожлантириш лойиҳаларини мувофиқлаштириш механизми билан таъминлайди

трансегаравий
даражада

мамлакат ичиди
ва трансегаравий даражада

МАҚСАД

экологик ривожлантиришни
режалаштиришда экологик
омилларни ҳисобга олиш орқали ҳар
қандай зарарли таъсирнинг олдини
олиш, камайитириш ёки юмшатиш



Конвенцияга I илова тўғрисидаги тафсилотлар 11 - 13 -бетларда

Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тартиби



Жалб қилинувчи томон

- ⇒ билдиришнома олинганлигини тасдиқлайди,
 - ⇒ атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш жараёнида иштирок этиш/этомаслигини билдиради.
- Ўз вақтида берилмаган жавоб жараёнда қатнашиш хоҳиши йўқлиги сифатида талқин қилиниши мумкин.*

Келиб чиқиш томони

- ⇒ I иловада кўрсатилган, жиддий трансчегаравий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай режалаштириладиган фаолият тури тўғрисида жалб қилинувчи томонларни хабардор қилишни таъминлайди.

Жиддий трансчегаравий салбий таъсир эҳтимолини истисно қилиб бўлмаса, хабардор қилиш мажбурийдир.



Келиб чиқиш томони

- ⇒ атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлайди,
- ⇒ уни жалб қилинадиган томоннинг ваколатли органлари ва жамоатчилигига кўриб чиқиш учун тақдим этади.



Жамоатчилик иштироки (9-бетга қаранг)



Якуний қарор

Жалб қилинувчи томон якуний қарор ҳамда унга асос бўлган сабаблар ва мулоҳазалар тўғрисида хабардор қилинади. Суверен ҳуқуқлар тўғрисида қуйидаги саҳифага қаранг 10

Келиб чиқиш томони


- ⇒ атроф-муҳитга таъсирнинг баҳолари, олинган фикрлар ва маслаҳат хулосаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириладиган фаолиятга нисбатан қарор қабул қилади.



Ҳужжатлар асосида манфаатдор томонлар, жумладан, таъсирни камайтириш, эҳтимолий муқобил ечимлар ва мониторинг бўйича маслаҳатлашувлар ўтказилади (15 - 16 -бетларга қаранг)

Конвенция якуний қарор қабул қилингунича қўлланилади

Келиб чиқиш томони



Жалб қилинувчи томон



Қарор қабул қилингандан сўнг, Келиб чиқиш томони

- ⇒ жалб қилинувчи томонга режалаштириладиган фаолият бўйича якуний қарор;
- ⇒ унга асос бўлган сабаблар ва мулоҳазалар;
- ⇒ нима учун муайян фикрлар рад этилганлигига изоҳлар тақдим этади;



Келиб чиқиш томони ва жалб қилинувчи томон томон биргалликда

жалб қилинувчи томон жамоатчилиги ва келиб чиқиш томони жамоатчилигига тенг ҳуқуқлар тақдим этилиши учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар



Билдиришнома бўлмаганда...

Эҳтимолий жалб қилинувчи томон



Агар томон жалб қилинади деб ҳисобласа, бироқ билдиришнома олмаган ҳолатларда...

Сўров



...зарарли таъсирни юзага келтириши мумкин бўлган фаолият тўғрисида хабардор бўлиши билан келиб чиқиш томонига мурожаат қилиши ва бу фаолият тўғрисида маълумотлар сўраши керак.



Келиб чиқиш томони



Асослаш

Жалб қилинувчи томон маълумотларни олгандан кейин нима учун унинг ҳудудига жиддий зарарли таъсирни истисно қилиб бўлмайди деб ҳисоблашига ўз асосини тақдим этади.

Жалб қилинувчи томон

Мажбурият


Маслаҳатлашувлар ўтказиш учун етарли маълумотлар ҳамда мавжуд ҳолларда АТБ ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этади



Келиб чиқиш мамлакати



Эспо конвенциясига аъзо бўлмаган келиб чиқиш мамлакати



Хайрихоҳлик, илғор халқаро амалиёт

Инвесторлар эҳтиёткор бўлишлари ва лойиҳанинг оқибатлари ойдин бўлганидан кейингина уни молиялаштиришга рози бўлишлари, бунинг учун зарур ҳолларда атроф-муҳитга трансегаравий таъсирнинг баҳосини сўрашлари керак.



Гарчи Эспо конвенцияси унга аъзо бўлмаган томонлар ҳудудида амал қилмаса-да, улардан сўралганда хайрихоҳлик кўрсатиш ва маълумотларни тақдим этиш уларнинг ҳамда инвесторларнинг манфаатларига мос келади.

Ахборот тарқатишнинг айрим усуллари

Жамоатчилик орасида маълумотлар тарқатиш

Ахборот бюллетенлари



Реклама плакатлари

ОАВ даги (радио, телевидение, газеталар) расмий хабар



Лойиҳа сайтлари




Жалб қилинувчи томонлар келиб чиқиш томонларининг янги лойиҳалари тўғрисида

ОАВ даги маълумотларни кузатиш



бир томон масъул органи ходимларининг электрон почтаси орқали бошқа томоннинг тегишли органи ходимларига маълумотларни тўғридан-тўғри тақдим этиш



расмий билдиришнома орқали билиб олишлари мумкин



Жамоатчиликнинг маслаҳатлашувларда қатнашиш усуллари

жамоатчилик эшитувлари



Ёзма шаклда фикрлар билдириш



Жамоатчилик жалб қилинувчи томон ва келиб чиқиш томони ваколатли органларидан


Орхус конвенцияси қоидаларига мувофиқ маълумотлар сўраши мумкин



Асосий тамойиллар

Келиб чиқиш томони

Жалб қилинувчи томон фикрларини ҳисобга олгандан кейин лойиҳани амалга ошириш учун суверен ҳуқуқ



Жалб қилинувчи томон

фаолиятни тақққлай олмайди

Фаолият ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи
Маълумотлар олиш ва маслаҳатлашувларда қатнашиш ҳуқуқи




Ҳар иккала томон

Мулоқот қилиш, қатнашиш ва консенсусга эришиш ҳуқуқи, жумладан зарарли таъсирни камайтириш бўйича муқобил ечимлар ва чораларга нисбатан




Саноат ва тижорат сирига оид маълумотларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи


Конвенция қўлланиладиган айрим фаолият турлари




Нефтни қайта ишлаш заводлари,
газлаштириш ва кўмир ёки битумли
сланецларни суюлтириш қурилмалари




Иссиқлик ва атом
электростанциялари



Нефт, газ ёки кимёвий моддаларни ўтказиш
учун катта ўлчамдаги қувурлар



Континентал шельфда углеводородлар қазиб олиш




Нефт, нефт-кимёвий ва кимёвий
маҳсулотларни сақлаш учун йирик омборлар




Фаолиятнинг бошқа турлари –
конвенциянинг 2.5-боби ва III иловага қаранг

Конвенция қўлланиладиган айрим фаолият турлари



Ядро ёқилғисини ишлаб чиқариш ёки бойитишга ёки радиоактив чиқиндиларни тўплаш, йўқ қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган қурилмалар



Домен ва пўлат қуйиш ишлаб чиқариши ва рангли металлларни эритиш учун йирик қурилмалар



Асбест чиқариб олиш ва асбест ҳамда таркибида асбест бўлган маҳсулотларни қайта ишлаш қурилмалари



Кимёвий комбинатлар



Целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқариш



Заҳарли ва хавфли чиқиндиларни ёқиш, кимёвий қайта ишлаш ёки кўмиш қурилмалари


Конвенция қўлланиладиган айрим фаолият турлари



Автомобил йўллари, юқори тезликда юриш учун йўллари ва аэропортлар қурилиши




Савдо портлари ва ички сув йўллари



Металл рудалар ва кўмир бўлган жойларда кенг қўламли қазиб олиш, чиқариб олиш ва бойитиш



Йирик тўғонлар ва сув омборлари




Ерости сувларини олиш бўйича фаолият




Катта майдонларда ўрмонларни кесиш


Атроф-муҳитга таъсирнинг айрим турлари




Атроф-муҳитга таъсирни камайтириш учун муқобил ечимлар ва энг қулай чораларни кўриб чиқиш




Муқобилларнинг йўқлиги (лойиҳани рад қилиш)




Йўл қопламаси учун муқобил материаллар, шовқинни пасайтириш бўйича чоралар



Иқлим ўзгаришининг эҳтимолий оқибатларини ҳисобга олиш




Қўриқланувчи ҳудудлар ва биохилма-хилликнинг муҳим соҳалари учун ечимлар




Ёқилғининг бошқа турига ўтиш, ташланмаларни назорат қилиш

Атроф-муҳитга таъсирни камайтириш учун муқобил ечимлар ва энг қулай чораларни кўриб чиқиш




Кўчиб юрвчи сут эмизувчилар учун ечимлар



Йўқолиб бораётган ва кўчиб юрвчи қуш турлари учун ечимлар



Объектларни жойлаштириш



Кўчиб юрвчи балиқ турлари учун ечимлар



Ифлосланишларнинг олдини олиш




Авариявий ҳолатларга тайёрлик ва огоҳлантириш тизимлари

Ҳамкорлик шакл ва форматлари

Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама келишувлар:

Мулоқот тили, билдиришномага жавоб бериш муддатлари, жамоатчилик иштироки муддатлари ва шартлари, илоҳада санаб ўтилмаган фаолият турларини тартибга солиш, муҳимлик мезонлари



Икки ва кўп томонлама комиссиялар

(доимий ва махсус кенгашлар)



Илмий-тадқиқот дастурлари



Субминтақавий ҳамкорлик



Таъсирнинг олдини олиш ва уни камайтириш бўйича чоралар соҳасидаги ҳамкорлик (миграцион қоридорлар, турларни мониторинг қилиш)

Атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш

(сув ва ҳаво сифати, радиация даражаси)




Муайян вазиятлар

Ҳар иккала томон учун мақбул ечимлар ва мулоқот



Мураккаб халқаро вазиятлар



Халқаро суд

Арбитраж суди (VII илова)



Атом электростацияларини жойлаштириш, улардан фойдаланиш муддатларини узайтириш ва авариялар хавфи




Амалга ошириш бўйича қўмита



Муваффақиятли ҳамкорлик мисоли


Дарё ва унинг ўзанининг каттагина қисми иқтисодий фаолият ва биохилмаҳилликни сақлаб қолиш учун муҳим



Стратегик экологик баҳолашни талаб қилувчи режалар, дастурлар ва стратегик ҳужжатлар
(СЭБ баённомасининг қўлланилиш соҳалари)




Шаҳар ва қишлоқларни режалаштириш




Қишлоқ хўжалиги




Ўрмон хўжалиги



Балиқ хўжалиги



Энергетика



Транспорт



Саноат, жумладан
тоғ-кон саноати



Туризм



Минтақавий
ривожлантириш



Сув хўжалиги



Алоқа воситалари



Чиқиндилар билан ишлаш



Ердан фойдаланиш

Экологик омиллар ҳисобга олинган стратегик ечимларга мисоллар

СЭБ тўғрисидаги баённома

Атом энергетикаси: мамлакат АЭС дан фойдаланиш муддатини узайтириш тўғрисида стратегик қарор қабул қилиши ёки қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш мумкин




Электр энергиясини ишлаб чиқаришни кенгайтириш: мамлакат битта катта ёки бир нечта майда электр станцияларига инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши ёки электр энергия халқаро савдоси ва алмашиш имкониятларини ўрганиши мумкин




Стратегик қарорлар ва уларнинг атроф-муҳит учун оқибатлари бўйича жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар



Режалар ва дастурлар бошқа томонлар учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда трансчегаравий маслаҳатлашувлар



Стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) босқичлари энергетика мисолида



Чу (Шу) ва Талас дарёлари ҳавзаларидаги сув ресурслари бўйича ҳамкорлик: стратегик экологик мулоҳазалар

Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудлари бўйича оқиб ўтувчи Чу (Шу) ва Талас дарёлари қишлоқ хўжалиги ва ичимлик суви билан таъминлашни ривожлантириш учун ҳаётий муҳимдир.

Ўрмонларни ҳимоя қилиш полосалари ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа чоралар дарёларни ҳимоя қилади ва иқлим ўзгариши оқибатларига яхшироқ мослашишга кўмаклашади.


Сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш бўйича биргаликдаги комиссия сув масалалари бўйича қарорлар қабул қилади.

Мамлакатлар сув ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ва сувлиликнинг мавсумий башоратлари билан алмашадилар.

Сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари сувнинг маҳаллий тақсимланишида қатнашадилар.

Мамлакатлар трансчегаравий баҳолаш ва стратегик режалаштиришни ўтказадилар.

Оқим бўйича қуйида жойлашган аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва сув экотизимлари бевосита сувнинг келишига боғлиқ бўлади




Олмаота шаҳри билан Иссиқкўл кўли ўртасидаги туризм ва авиақатновларни ривожлантириш: стратегик экологик жиҳатлар


Олмаота шаҳри Иссиқкўлдан атиги 70 км масофада жойлашган, бироқ баланд тоғлар туфайли тўғридан-тўғри йўллар мавжуд эмас. Минтақавий туризмни ривожлантириш учун йўллар қуриш режаларда мавжуд.

Экспертлар ва қарорлар қабул қилувчи шахслар йўллар қурилишининг турли иқтисодий ва экологик жиҳатларини баҳолайдилар.

Бўлажак йўл тўғридан-тўғри ҳимоя қилинувчи табиат ҳудудларидан ёки экологик жиҳатдан қимматли ўрмонлардан ўтиши мумкин.



Радиоактив чиқиндилар ва ифлосланишдан тозалаш: маҳаллий Орхус марказларида қатнашиш




Ташландиқ участкалар ва уран қазиб олишдан чиқадиган чиқиндилар советлар давридан бери қишлоқ хўжалиги ва аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдириб келган.



Муаммоли участкаларни аниқлаш ва экологик хатарларни баҳолашда маҳаллий Орхус марказлари жамоатчиликнинг маълумотларни олиш имкониятини таъминлашда муҳим рол ўйнайдилар.



Давлат органлари ва халқаро ташкилотларнинг ташландиқ чиқиндилар муаммосига бўлган эътибори муаммони ҳал қилиш учун молиявий ресурсларни жалб қилишга кўмаклашди.



Чиқиндиларни янада хавфсизроқ ва ишончлироқ сақлаш. Жамоатчиликни хабардор қилиш ва билимларини ошириш бўйича чора-тадбирларни давом эттириш



Радиоактив чиқиндилар кўчириб кетилди ёки хавфсизроқ ҳолатга келтирилди ва улар саломатлик ва атроф-муҳитга камроқ хавф туғдиради.



Орхус марказлари ахборот кампаниялари билан ёрдам берадилар ва рекультивация ва баҳолаш чораларини режалаштиришга ҳисса қўшишни таъминлайдилар.

Эспо конвенциясининг тузилиши ва ишлаши


Котибият

Женева шаҳрида жойлашган, иккита келишувни бошқаради, томонлар кенгаши ва конвенциянинг бошқа органларига хизмат қилади, ишлар режасини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.



Вақтинчалик ва махсус ишчи гуруҳлар

Аниқ бир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун шакллантирилиши мумкин



Амалга ошириш бўйича қўмита

томонлар шартнома мажбуриятларига амал қилишини текширади ва уларга бу мажбуриятларни бажаришда ёрдам беради.



Бюро

– ишлар режасини аниқлаштирувчи ва уни амалга ошириш, молиявий масалаларни ҳал қилиш ва томонлар кенгашини тайёрлашда ёрдам берувчи маслаҳат органи.



Маъмурий масалалар бўйича миллий мувофиқлаштирувчилар

Хабардор қилиш мақсадлари учун алоқа пунктлари

Томонлар кенгаши

Қарорлар қабул қилади, ишлар режаси ва бюджетни тасдиқлайди, ҳар 3 йилда ўтказилади.



Ишларни кўриб чиқиш бўйича комиссия

жалб қилинувчи томон илтимосига кўра, 3.7-модда шартлари бажариладиган ҳолларда, IV иловага мувофиқ тузилиши мумкин.

Муҳокама қилинаётган жиддий зарарли трансчегаравий таъсир эҳтимолини ўрганади

Учта техник эксперт-дан ташкил топади: томонларнинг ҳар биридан биттадан вакил ва битта мустақил эксперт.




АТБ ва СЭБ бўйича ишчи гуруҳ

– томонлар кенгашининг ёрдамчи органи, конвенция ва баённома қоидалари ва ишлар режасини амалга оширишда ёрдам беради, мажлислар ҳар йили ўтказилади.


Эспо конвенциясининг бошқа конвенциялар билан ўзаро алоқаси

Биологик хилмахиллик тўғрисидаги конвенция ва Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолиш тўғрисидаги конвенция:


АТБ биохилмахиллик учун қайтариб бўлмас оқибатлар ва яшаш муҳитининг фрагментация бўлиш эҳтимолини ҳисобга олиши керак.




Ахборот олиш, қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳитга оид одил судлов очиклиги тўғрисидаги **БМТ ЕИК Орхус конвенцияси.**



Трансчегаравий сувлар тўғрисидаги конвенция ва Рамсар конвенцияси:




АТБ сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув-ботқоқ бойликларини ҳимоя қилишни ҳам талаб қилади.



Ядро хавфсизлиги тўғрисидаги келишувлар, МАГАТЭ меъёрлари ва тартиб-таомиллари

Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги конвенция (трансчегаравий экологик ахборот агентлиги):

АТБ ўтказишда авариявий вазиятларга тайёрлик ва хавф-хатарларни пасайтиришни ҳисобга олиш лозим.




Иқлим тўғрисидаги конвенция (БМТ ИЎДК) ва Париж битими:

экологик жиҳатдан заиф бўлган ҳудудларга режалаштирилган АТБ лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида иссиқхона газлари чиқиш миқдорини қисқартириш учун иқлим ўзгариши масалаларини ҳисобга олиш лозим.

Эспо конвенциясининг бошқа конвенциялар билан ўзаро алоқаси

Бухарест келишуви – Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларининг трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш юзасидан кўп томонлама келишуви.



Қўшимча маълумотлар ва услубий материалларни қуйидаги ҳавола бўйича электрон шаклда олиш мумкин:

unece.org/publications/environmental-assessment

Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция матни

Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенциянинг СЭБ баённома матни

Эспо конвенциясига мувофиқ ҳолда билдиришнома тайёрлаш бўйича қўлланма

Эспо конвенциясини амалда қўллаш бўйича қўлланма

Томонлар кенгашларида қабул қилинган қарорлар

Амалга ошириш бўйича қўмитанинг фикри

Марказий Осиё мамлакатлари учун трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича қайта кўриб чиқилган қўлланма

Ердан фойдаланиш, хавфли объектларни жойлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ёндош масалалар бўйича қўлланма

Атом энергетикаси билан боғлиқ фаолиятида конвенцияни қўллаш бўйича тавсиялар

БМТ ЕИК Эспо конвенцияси, СЭБ ва БРМ бўйича баённома

Стратегик экологик баҳолаш бўйича баённома: фактлар ва натижалар

Жамоатчиликнинг стратегик экологик баҳолашда иштироки бўйича тавсиялар

Атом электростанцияларининг хизмат қилиш муддатларини ўзгартиришда Конвенцияни қўллаш бўйича қўлланма

